

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРЛАРИНИНГ ЎСИБ БОРИШИ

Эгамова Д. – ҚМШИ, доцент.

Расулова С. – ҚМШИ, талаба.

Халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари ва олиб борилган таҳлиллар натижаларига кўра берилган хулосалари, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири камайиб боришини, 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг аста-секинлик билан ўсиши кутилаётганлигини кўрсатмоқда. 2009 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши тахминан 1 фоизга қисқарганлиги кузатилган, 2010 йилда эса дунё бўйича иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши кутилади. Бу инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан бармунча паст. Шунингдек жорий йилда ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмоқда, бу эса аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

2009 йилда инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора – тадбирлар, хусусан республикамызда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

“Ўтган йили қўрилган амалий чоралар натижасида мамлакаимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, унинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди”¹.

Инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини берадиган асосий омил сифатида бандлик даражасини оширишга қаратилган чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг таркибий тузилишига кўра ўзига ҳос хусусиятга эга бўлган Қашқадарё вилоятида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда энг муҳим устувор йўналишлардан биридир.

2009 йилда вилоят аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдагилар салмоғи 54 фоизни ташкил этади. Иқтисодиётга банд бўлган аҳоли 35,6 фоиз бўлиб, йил давомида яратилган янги иш ўринлари 85734 тани ташкил этган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 24014, янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 7116, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 6605, уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобига 21723, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 16174 та иш ўринлари яратилган. 2010 йил 1 январ ҳолатида иқтисодий фаол аҳоли сони 990,0 минг кишини ташкил этиб, улардан 940,2 минг нафари иқтисодиётда банд, ишсизлар сони 50,1 минг нафарни ташкил этади.

Маълумки, Қашқадарё вилояти туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудлардан бири саналади.

Гарчи вилоятда туғилиш кўрсаткичида 1985 йилдан 2006 йилгача пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, республика даражасидан юқорилиги билан ўзига ҳосдир. Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик ривожланиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари ва прогнозларига кўра, вилоятда туғилиш умумий коэффиценти 2015 йилга қадар мунтазам 25-26 фоиз атрофида ўсиб бориш тенденциясини сақлаб туради ва 2015 йилдан кейин пасайиш кузатилади. Туғилиш даражасининг 1970-1990 йиллар давомида жуда кескин суръатда ўсиб борганлиги боис 2010-2015 йилларда меҳнат ресурсларининг жами аҳоли таркибидаги улушини 55,3 фоиз дан 60,4 фоизгача ўсишига олиб келади. Аниқроқ ҳисоб-китоб қилинса, 2010-2015 йилларда меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,45 фоизни ташкил этади. Ҳозирги кунда аҳолиси таркибида меҳнат ресурслари улуши энг юқори бўлган ҳудудлар сифатида Муборак тумани (74 фоиз), Қарши шаҳари (62 фоиз), Миришкор тумани (61 фоиз), Қарши тумани (58 фоиз), Китоб ва Нишон туманлари (56 фоиз) ни эътироф этиш мумкин.

¹ Каримов И. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ, № 21.

Бундан ташқари, вилоят бўйича ҳар йили қайд этиладиган никоҳлар, яъни янги ташкил бўладиган оилалар сонининг мунтазам ўсиб бориши ёки 2010 йилда 19,8 мингтадан 2015 йилга 23,3 минг тага етиши кутилмоқда. Ташкил бўлаётган ёш оилалар ҳисобига жами оилалар сонининг 2010 йилда 592,5 мингтадан 2015 йилга бориб 647,9 мингтагача ортиши прогноз қилинмоқда. Оилаларнинг ўртача катталиги эса прогноз қилинаётган даврда 4,4 (2010 йил) дан 4,2 (2015 йил) га камайиши кутилмоқда².

“2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохатларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларига мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосида иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборат”³ экан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига ҳос жиҳатлари, ҳусусан демографик хусусиятларини алоҳида ўрганиш ва албатта ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда эътиборга олиш муҳимдир.

² Эгамова Д.. “Бозор иқтисодиёти шаротида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал –демографик ривожланиш хусусиятлари” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-2006.

³ Каримов И. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ № 21.